O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 16 *ЯНВАР*, ШАНБА | № 3 (103) | Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

ИТ ЯЛАГАН ОДАМ — 2-бет

... Ўғрилар қочиб кетолмади. Чунки унгача... КАМПИРШО СИМ ҚОҚДИ — 3-бет

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ»... бизнинг уйда бўлмайди — 4-бет

Nafs balosi

ЭЛНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистонимизнинг кўпчилик аҳолиси қишлоқларда яшайди. Улар хом ашёдан тортиб озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириб беришгача хайрли ва масъулиятли улкан вазифаларни ўз зиммасига олганлар. Юртбошимизнинг «Ер бизни боқади, қачонки уни ардоқласанг ва ундан оқилона фойдаласанг» деган сўзлари ҳар бир Ўзбекистон фуқароси онгида муҳрланган бўлиши зарур.

Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимиз асосан пахтачилик, қолаверса, ғаллачиликка ихтисослашган. Хўш, бу соҳаларнинг аҳволи кейинги бир-икки йиллар ичида қандай? Айрим вилоятларни ҳисобга олмасак, кўпчилик вилоятларда режалар бажарилмади. Сабаби нимада?

Балки об-ҳаводир, техника, ўғитлар етишмаганидандир. Изласанг важлар кўп. Бунинг сабабини кўпчилик раҳбарларимиз билсалар-да, рўй-рост айтадиган мардлари кам.

Бизнинг Фарғона вилоят хўжаликларида бу ишлар қандай амалга оширилмоқда? Қишлоқ хўжалик билан шуғулланувчи фермерлардан тортиб, жамоа хўжаликларида қандай ўринли ишлар ташкил этилган?

Шулар ҳақида вилоят прокуратураси томонидан хўжаликларни ривожлантиришга ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик талабларига риоя қилишлик юзасидан бир қатор текширишлар ўтказилди.

Доно халқимизда бир мақол бор: «Элни алдаган, эл бўлмайди, ерни алдаганнинг косаси оқармайди».

Тошлоқ туман прокуратураси томонидан умумий назорат тартибида «Оқолтин» ва Б.Шерматов номли жамоа хўжаликларида текширилганда ҳар иккала хўжалик раислари ўз халқини ҳам, ерини ҳам алдагани маълум бўлиб қолди. Ҳар иккала жамоа хўжалигида пахта экиш учун режалаштирилган ер майдонлари текширилди. Айни текшириш бошланган куни ҳар иккала раислар Муллажон Шокиров, Отаназар Мамановлар типирчилаб қолишди.Чунки улар ҳеч ким билмайди қабилида иш тутган эдилар-да.

«Оқолтин» жамоа хўжалигида ўтган йили 590 гектар ерга пахта экиш режалаштирилган. Амалда 573,15 гектар ерга чигит қадалган. табиийки, ўз-ўзидан «16,85 гектар ердаги пахта қани?» деган ҳақли савол туғилади. Бу саволга жавоб беролмаган раис эса мум тишлаб қолди. Раиснинг бундай мулзам бўлиб қолиши бежиз эмас.

Хўжаликдаги пахта майдонидан ажратиб олинган 16,85 гектар ерга ноқонуний равишда шартномасиз бошқа экин маҳсулотлари экилган. М.Шокиров хўжалик раҳбари бўла туриб, расмий ҳужжатларни ипидан-игнасигача тушунган бўлса-да, сохта маълумотлар киритади. Бошқа экинлар экилган 16,85 гектар ер эса яширилиб пахта экилган ер сифатида кўрсатилган. Аслида шоли, маккажўхори экилган. Бу ерларга 324236 сўм ортиқча харажат қилиниб, жамоа хўжалигига жуда кўп зарар келтирилган. Бу билан қаноатланиб қолмасдан М.Шокиров шартномага асосан «Жаҳонгир» деҳқон-фермер хўжалигидан 7400 килограмм буғдой донининг килосини 35 сўмдан қабул қилиб олади.

Хўжалик омборига кирим қилинган бу буғдой донни «Қувадонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятига 10 сўм 71 тийиндан кейин 12 сўм 46 тийиндан, жами 43454 килограмм буғдой донини 497291 сўм 98 тийинга топширилади. Натижада хўжаликка 1092058 сўмлик зарар келтирилади.

Бир раҳбар нафсининг ҳакалак отиши ҳамда мансабини суиистеъмол қилиши натижасида хўжалик миллионлаб зарар кўрган. Ишлар шу йўсинда кетса оддий деҳқоннинг аҳволи нима кечади?

Оқибатда шунга ўхшаган хўжаликлар боқимандалик ҳолига ўтиб, йиллаб деҳқонларга иш ҳақини бера олмаяптилар. Ишлаган ҳақини беролмаган хўжалик раҳбарининг тили қисиқ, чунки ўз халқини алдади, рағбатлантиролмади, энди у қандай қилиб деҳқондан иш ва керакли режадаги маҳсулотни талаб қила олади.

Б.Шерматов жамоа хўжалигининг раиси Отаназар Маманов «ишбилармон»ликда М.Шокировдан қолишмайди.

Хўжаликка 730 гектар ерга пахта экилган деган маълумот ҳужжатларда бўлса-да, аслида 717,89 гектар ерга уруғ қадалган эди. 12,11 гектар ерга эса бошқа экинлар экилиб, 247429 сўмлик ортиқча харажат қилиниб, жамоа хўжалигига жуда кўп миқдорда зарар келтирилади.

Биз биргина юқорида айтилган икки хўжаликлар тимсолида фактларга мурожаат қилдик. Баъзи бир пахтачилик хўжаликлари мутлоқ ўтириб қолган. Йилдан-йилга қарзга ботиб, юқорида қайд қилганимиздек, боқимандалик, ўзбилармонлик ҳолатларига ўтиб олишган.

Қайси хўжаликда рағбатлантириш оқсаб, меҳнатга яраша ҳақ тўланмас экан, интизом ҳам бўлмайди. Меҳнат унумдорлиги ҳам ошмайди.

Баъзи бир суяги пахтада қотган деҳқонлардан эшитиб қоламиз: «Бу йил пилламиз яхши бўлди, бир каропка уругдан 100 килограммдан ортиқ пилла топширдик...»

Хўш, 100 килограмм пиллага қанча ҳақ олдингиз, деган саволга «Буғдойзор ажратиб берувди, ўт босган жойлардан тегиб қолди. 200 килограмм буғдой янчиб олдик. Сомони ҳам бор, ўтинни айтмайсизми, ўглим».

Халқимиз сабрли, чидамли, деган сўзларни энди ўрнида ишлатсак яхши бўлар эди.

Ҳозирги пайтда қаерда бўлмасин ишбилармон, уддабурон, халқи учун ёниб, унинг дардига малҳам бўладиган раҳбарлар керак, шундагина бундай бошлиқларнинг иши юришади.

Акс ҳолда бундай бошлиқлардан воз кечиш даркор.

Э.ОДИЛОВ

Qaror va ijro

«ЁШУЛЛИ» ИШОНМАДИЛАР

Баъзи одамларнинг табиатига ҳайронсан. Меҳнатини қилади, заҳматини чекади. Аммо ошарга келганида оғзидагини олдиради. Аниқроқ айтганда, ўз ризқига ўзи чанг солади.

Юртимизда бўлаётган пайҳонгарчилик, нобудгарчилик ҳолатларини ана шунга қиёслаш мумкин. Мутахассислар ҳисоблаб чиқишган: ҳар йили меҳнат-ла яралган ҳосил, ризқ-насибанинг 20 дан 30 фоизини деҳқон ўз эътиборсизлиги оқибатида бой бераркан. Экинига мол ҳайдаб, меҳнатини шамолга совураётган, яралажак ҳосилининг қут-баракасини ўчираётган деҳқонлар оз дейсизми? Энг хунуги, ҳосил ва ҳосилдорлик, ризқ-насибаси учун деҳқоннинг ўзи қолиб, ўзгалар дейлик, милиция ёки прокуратура ходимларининг елиб-югураётгани. Бу далилни рад этолмайсиз. Боиси, республикамизнинг кўп далаларидаги экинни нес-нобуд қилмаслик борасидаги саъй-ҳаракатларнинг бошида ҳозир ҳуқуқ-тартиботи маҳкамалари ходимлари туришибди.

Хоразм вилоятида ҳам шу манзара. Кузда экилган мўл ғалла уруғидан унган экинни деҳқон қолиб, милиция қўриқламоқда. Хива туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Рустам Раҳимовнинг таъкидлашича, шу кунгача буғдойзорларнинг 70 марта пайҳон қилинганлиги факти аниқланган.

Вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи раҳбари М.Наврўзалиев ҳамроҳлигида мазкур туман бўйлаб кузатув ўтказаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари эса ажабтовур воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Тумандаги Р.Мадаминов номли жамоа хўжалиги буғдойзорларида 10 дан кўп қорамол майсаларни бемалол паққос тушираётгани манзараси видео тасмада акс эттирилди. Қорамоллар даладан ҳайдаб ҳам чиқарилди. Шу орада бу ерга етиб келган хўжалик бошқарув раисининг ўринбосари Жуманазар Болтаевга даладаги кўримсиз манзара ётиғи билан тушунтирилди. Бироқ «ёшулли» ишонмадилар. Ишонишни ҳам истамадилар. Қаламкашларни сал бўлмаса ёлғончига, туҳматчига ҳам чиқараёздилар. У киши хўжалик далаларида биронта ҳам қорамол йўқлигини, бўлиши мумкин ҳам эмаслигини қайта-қайта такрорладилар. Начора. «Ёшулли»га хўжалик далаларини бирга айланиш таклиф этилди. Раис муовини «ҳа» деб рад этган факт ўзини кўпам кутти-рмади. Кузатувчилар хўжаликнинг Абдушариф Сафоев бошлиқ бригадаси буғдойзорлари 5 бош қорамолга «иньом» этилганлигининг устидан чиқишди. Аммо «ёшулли» бу фактдан ҳам мулзам бўлмадилар. Молларнинг далага солинганлигини яккаю ягона ва илк ҳодиса ҳисобладилар. Хўжалик мутасаддисининг хатти-ҳаракатлари дилимизда ачиниш ва изтироб туйғуларини уйғотди. Сирасини айтганда, деҳқон ризқи ер билан яксон этилаётгани ҳолати бартараф қилинишига сабабчи бўлганларга ташаккур айтилмоғи ва камчиликлар такрорланмаслиги чоралари белгиланмоғи зарур эди. Афсус, «Ёшулли» ўзгалар ризқини эмас, ўзларини ўйладилар. Гап тегишидан ҳадиксирадилар.

Бу соҳада қилинган ишлар гарчи ножўя хатти-ҳаракатлар пайини буткул қирқолмаган бўлса-да, анча салмоқли ва қамровли. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги О.Ёқубовнинг айтишича, Урганч туманида ташкил этилган отлиқ милициянинг фаолияти самарали бўлаяпти. Уларнинг синчков ва зукко ҳаракати туфайли деярли барча буғдойзорлар дахлсиз ва доимий назоратда турибди. Кўрилган чора-тадбирлар доираси анча кенг. Ҳукумат қарори эълон қилингандан сўнг ўтган бир неча кун ичида кузда ундирилган экинларни топташ ва нобуд қилиш бўйича 28 та ножўя факт аниқланди. Булар баробарида 58 бош қорамол ушланиб, уларнинг эгалари 17 минг 460 сўмлик жарима билан «сийланди».

Хоразмдаги буғдойзорлар сатҳи 40 минг гектардан зиёд. Уруғ ҳамма жойда кўнгилдагидек ундирилган. Бу қадоқ қўлли ҳазрати деҳқон меҳнатининг самараси. Лекин унган уруғ ҳали нақд хирмон эмас. Уруғни ундириб, майсага дўндирган деҳқон уни турли ёт кўзлардан авайлаб асрамоғи, мўл хирмонга ҳозирданоқ замин яратмоғи даркор. Зеро, мўл ризқ-насибадан авваламбор деҳқоннинг ўзи, қолаверса, бутун юрт баҳраманд бўлади.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Нуқсонсиз бўла туриб камтарин, ўзини ўта мискин тутмаган ҳолда паст тутувчи, ҳалол йўл билан тўплаган молларидан эҳсон қилувчи, нафатли, илму ҳикмат аҳли билан аралашиб юрадиган, мискин ва бечораларга раҳму шафқат қиладиган одамга кўп яхшиликлар бўлур. Ўзини камтарин олиб юрувчи, ҳалол касб қилувчи, қалби пок, кўриниши ёқимли, одамларга ўз ёмонлигини етказмай юрадиган кишилар нақадар яхши! Илмга амал қиладиган, ортиқча дунёсидан хайру эҳсон қиладиган, беҳуда гапдан тилни тияди кишилар нақадар яхши кишилардир!

(Ҳадисдан)



ЯНГИ БИНО ИШГА ТУШДИ



Сирдарё вилоят хўжалик суди янги биноси фойдаланишга топширилиши ҳуқуқ-тартибот ходимларини ҳам, фуқароларни ҳам беҳад мамнун этди. Бундай ғамхўрликларга жавобан хўжалик суди жамоаси бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб, меҳнат қилишмоқда.

Бу замонавий ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган уч қаватли бино Гулистон шаҳрининг қоқ марказида қад ростлаб турибди. Қутлуғ масканга қадам ранжида қилган кишининг хоналарнинг шинамлигидан, озодалигидан баҳри-дили очилса, суд ходимларининг ширинсуханлигидан, беғараз ёрдамларидан кўнгли тоғдек кўтарилади. Қани эди ҳамма жойда ҳам шундай одамларга эътибор бўлса деб юборасиз беихтиёр.

Ҳар жиҳатдан намуна бўлаётган сирдарёлик хўжалик суди аъзолари моҳир ҳуқуқшунос Ҳайдар ака Темиров бошчилигида ҳамиша шундай иш олиб боришга аҳд қилишган. Бино атрофлари ободонлаштирилмоқда. Ҳар бир ходимга эса шу кун талабидан келиб чиқиб, муомала маданиятидан, ўзгалар дардига малҳам бўлишдек ғоят хайрли иш бобида сабоқ бериб борилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Вилоят хўжалик суди янги биносининг ташқи кўриниши. 2. (ўнгдан учинчи) вилоят хўжалик суди раиси Ҳайдар Темиров ходимлар билан.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

Qaror ijrosi - amalda

ПАЙҲОНГА ҚАРШИ КУРАШ - БАРЧАНИНГ ИШИ

Шу кунларда бепоён ғаллазорларда бўлсангиз, барқ уриб ривожланаётган кўм-кўк майсаларни кўриб кўзингиз қувнайди. Бу халқимизнинг ризқ-рўзи. Улар эртага дастурхонимизга кўрк бағишлайди. Лекин афсуски, ана шу ризқимиз бўлган ғалла майдонларига молларини ҳайдаб, уни пайҳон қилаётган шахслар оз бўлса-да, учраб турибди. Биз яқинда Ургут туман ички ишлар бўлимида бўлиб, бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Темир Соибов билан суҳбатлашдик.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори биз ҳуқуқ-тартибот ходимлари зиммасига янада улкан масъулият юклайди, - деди суҳбатдошимиз. - Дарҳақиқат, кўрилаётган чораларга қарамай, экинзорларни пайҳон ва нобуд қилиш ҳоллари давом этмоқда. Бу эса ғалла ҳосили ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари анча қисмининг йўқ бўлишига олиб келмоқда.

Буларнинг барчаси хўжалик раҳбарларининг ушбу масаланинг муҳим эканлигини тушуниб етмаслиги ва етарли баҳо бермаслиги сабабли келиб чиқмоқда.

Мазкур қарорда мулк эгалиги шаклидан қатъий назар экинзорларни қўриқлашни таъминламаган ва пайҳон қилиш ҳолларига йўл қўйган хўжалик раҳбарларини қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш масаласи ҳал қилинсин, деб жуда тўғри кўрсатиб ўтилган.

Туманимизда шу кечакундузда ана шу қарор асосида аниқ режа билан иш олиб борилмоқда. Участка вакиллари ва халқ посбонларининг аксарияти отлар билан таъминланган. Уларнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари ва туман прокуратураси ходимларининг ҳамкорлигида қисқа муддат ичида пайҳонгарчиликка оид қатор фактлар аниқланди ва айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

«Акрамобод» жамоа хўжалигининг ғалла экилган майдонларида шу ердаги Камангарон қишлоғида яшовчи фуқаро Шаҳодат Хўжаеванинг 4 бош қорамоли, Ғайрат Очиловнинг 3 бош қорамоли 13-бригаданинг 30 квадрат метр майдондаги ғалласини пайҳон қилган. Етказилган зарар 3550 сўмни ташкил этади. Туман суди айбдорларнинг ҳар бирини 1100 сўмдан жарима тўлашга ҳукм қилди. Қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилишга йўл қўйганликлари ва унинг олдини олмаганликлари учун шу хўжалик бошқаруви раиси Абдулла Лутфуллаев, 13-бригада бошлиғи Даврон Қодиров, ғаллачилик звеноси бошлиғи Турсунпўлат Қодировларнинг ҳар бирига туман суди томонидан 2200 сўмдан жарима солинди.

Шунингдек, Навоий номидаги жамоа хўжалигининг Кенагас қишлоғида яшовчи, 103-мактаб ўқитувчиси Шуҳрат Бойқобиловнинг бир бош қорамоли хўжаликнинг 0,7 квадрат метр ердаги ғалласини топтаб, хўжаликка 5600 сўмлик зарар етказган. Бошқаларга ибрат бўлиши лозим бўлган олий маълумотли муаллимнинг бу қилиғини кўриб, нима дейишингни билмайсан, киши. Шу қишлоқда истиқомат қилувчи Асадилло Тоғашеровнинг хатти-ҳаракати айниқса қолипда турмайди. Унинг 5 бош қорамоли жамоа хўжалигининг 23 квадрат метр ердаги ғалласини пайҳон қилиб етказилган зарар 18400 сўмни ташкил қилади.

Шу хўжаликнинг Баҳрин қишлоғида яшовчи Жўрақул Маҳмудов, Рашид Рустамовларнинг моллари ҳам хўжаликка катта миқдорда зарар етказган. Бундай кимсаларга «Ахир, сизни ноннинг уволи тутмайдими?» дегингиз келади.

Айрим хўжалик раҳбарлари ҳалигача пайҳонга қарши кураш олиб бориш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иши деган эскича ўй-фикр билан яшаб келмоқдалар. Ўз вазифаларига ўта совуққонлик, лоқайдлик билан қараб жиноятга йўл очиб бермоқдалар.

Экинларни пайҳон қилиш - жиноят, унга қарши кураш олиб бориш эса барчанинг иши эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Ўткир САИДОВ

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги кафедраларга мудир лавозимлари учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Жиноят ҳуқуқи;
2. Жиноят жараёни;
3. Криминалистика;
4. Ўзбекистон тарихи;
5. Фалсафа;
6. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари;
7. Иқтисодиёт назарияси;
8. Жисмоний тарбия.

Танловга мутахассисликлар бўйича фан докторлари, профессорлар таклиф этилади.

Ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзилимиз: 700047, Тошкент шаҳри, Саиллгоҳ кўчаси, 35-уй, 24-хона.

Elning bolasi

ТОПҚИР ТЕРГОВЧИ

- Оғзи қийшиқ бўлсаям, бойнинг ўғли гапирсин, деган мақолни эшитмабсан, болам. Келиб-келиб ҳуқуқшуносликни танлаб ўтирибсан-а! Ўзинг бир шопир бола бўлсанг! Қишлоқда обрўйинг ёмонми? Сансиз шугиналани куни ўтмай қолган. Ҳали ўтинини ташиб беряпсан, ҳали янтоғини...

Она шундай дейишга деяпти-ю, аммо боласининг катта ўқишларда ўқиб келишига кўнгли суст кетаяпти. Бироқ шундай дастёридан камида 5-6 йилга маҳрум бўлиб қолгиси келмайди-да. Мана, ўғли қишлоқнинг ёқимтойи, ҳожатбарори бўлиб, ўйнабкулиб юрибди. Тагида машина. Рўзғорлариям кам бўлаётгани йўқ. Кўз тегмасин, отаонасининг қанотига кириб қолди. Ҳа бола-я, бола, кўнгилгинаси нималарни тушамайди буларнинг...

Файзулла офтобрўя супага ёйиб қўйилган, аллақачон қуриб қолган бедани бичамлаб белига сим тортаркан, қулоғи онасининг қўл машинасини ғилдиратганча айтаётган гапларида эди. У ўзида ҳайдовчи ёки тракторчиликдан кўра қийинроқ, билим ва салоҳият талаб қилинадиган ўқишларга, ишларга лаёқат сезаётганини онасига қандай тушунтириш тўғрисида бош қотирмоқда эди.

Нима учун у ҳуқуқни ҳимоя қилувчи киши бўлмоқчи? Ўзи буни яхши билар, аммо ниятини бошқаларга ифодалаб беришнинг йўриғини тополмаётган эди. Файзулла ўқишга кириш учун раиснинг ўғли бўлиш шарт эмас, деган қатъий тушунчага келган эди. Йўқ, у жиноятларни очиб ташловчи, жиноятчилар пайдо қилган жумбоқларни ечиб ташловчи, хавф-хатарларга юзма-юз борувчи киши бўлмаса, шу йўл билан ўзининг нималарга қодирлигини ўзига ва ўзгаларга исбот қилиб бермаса тинчимайди.

- Онажон, сиз менга фақат оқ фотиҳа берсангиз бўлди. Мен оилага оғиримни туширмайман, кечаси қоровуллик қиламан, шанба-якшанба кунлари ёлланиб ишласам ҳам барибир ўқийман.

- Э, болам, болам, пулнику бир иложини қилармиз, ҳали кучдан қолганимизча йўқ, овора бўлма дейман-да.

- Йўқ онажон, мен албатта ўқишга кираман.

Бибимайрам аянинг шу сўзлардан сўнг кўнглида ўғлининг истакларига розилик туйғусини ҳис қилди. Юраги орзиқиб кетди. Наҳотки, унинг боласи катта идораларда галстук тақиб, қўлтиғига папка қистириб юрса... Оллоҳга шукур, боламни худо зеҳну заковатдан кам қилмаган. Энди ўзи ёрлақасин...

- Майли, болам. Тирикчилик бир гап бўлар, ёшлигимда ўқиёлмадим, деган армон кўнглингда қолмасин. Худо йўлингни берсин.

1972 йил октябр ойида Тошкент Давлат Университетининг юридик куллиёти тайёрлов бўлимига Файзулла Ботиров бир олам орзу-ҳаваслар билан ҳужжат топширди. «Керак бўлса, ўн марта топшираман, барибир кираман» деган хаёлга борарди Файзулла.

Ўша йили омади келган экан. Имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб тингловчи бўлди. Сўнг талаба, ҳаш-паш дегунча талабаликнинг олтин даври ҳам ортда қолди. У орзусига етди. 1978 йили ёш мутахассис йўлланма билан Наманган вилоятига ишга жўнатилди. Наманганнинг Задарё, Наманган туманларида ишлади, иш ўрганди.

Ёшлигида, жонажон қишлоғи кўчаларини оёқяланг чангитиб юрган ёки пахта оралаб трактори билан ғимирлаб юрган кезларда нуқул унинг олдидан бировлар йўқотган нарсалар чиқиб қолар ва бу нарсанинг қишлоқдошларидан кимга тегишли эканини бехато топа оларди. Кўзмунчоқ шодаси, ручка, дастрўмол, ўроқ, этак тўрва...

Одамлар ҳам бирор нарсасини йўқотишса йўқотган нарсасини эмас, Файзуллани қидириб қолишарди.

- Файзи жўра, ўроғимни кўрмадингми?

- Қайси, анави дастасига изолента ўралган ўроғингми?

- Ҳа, ҳа.

- Ҳу, анави тутни тагида ётган экан, олиб танасига санчиб қўйганман...

Бировнинг эшаги, бировнинг от, сигири йўқолса Файзуллани йўқлаб келишар, Файзулла молнинг тупроқ йўлда қолдирган изига тикилганча тентираб юргани-юрган эди. Аммо топмасдан қўймас эди. Қишлоқдошлари «омон бўлгур топқир бола-да, у тракторчи эмас, нақ Шерлок Холмснинг ўзи» деб қўйишарди...

Файзулла Ботиров оилавий шароити туфайли, яъни онасининг қариб қолгани, хотин, бола-чақасининг онаси билан яшаётганини инобатга олиб, ишини қишлоғига яқин жойга кўчиришларини бошлиқларидан илтимос қилди. У дастлаб Чиноз тумани прокуратурасида, кейинроқ Сирдарё вилоят прокуратурасида катта терговчи вазифасида ишлай бошлади.

Энди у йўқолган ўроқ, кетмон, мол-ҳолларни топиб олувчи ҳаваскор «Шерлок Холмс»дан кескин фарқ қиладиган ёшга етган, устозлари - раҳматли Қобил Шокиров, ҳозирги кунда Республика Олий судида хизмат қилаётган Илҳом Акромов, Хадича Қирғизбоева ҳамда Наримон Умаровлардан терговчиликнинг сир-асрорларини ўрганган, қилни қирқ ёрадиган, учига чиққан лўттибозлар, товламачи ва фирибгарларни осмонга чиқса оёғидан, ерга кирса қулоғидан тортиб олиб, жазосини муқаррар қилувчи терговчи даражасига етган эди.

Файзулла Ботировнинг Сирдарёга келиб, амалга оширган ишларидан бор-йўғи учтасини мисол тариқасида келтиришни жоиз деб билдиқ. Зеро, бу ишларда унинг терговчи ва шахс сифатидаги хусусиятлари намоён бўлади.

Ширин шаҳрида чоп этиладиган «Ширин садоси» газетасининг бош муҳаррири Ҳасан Зикриллаев шундай ҳикоя қилади:

- Газетанинг 200 минг сўмлик векселини бир товламачи илиб кетди. Воқеа бундай бўлган эди. Янгиер шаҳридаги «Фориш» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Марди Азимов таҳририят билан шартнома тузди. Шартномага кўра таҳририятга 200 минг сўмлик қоғоз келтирадиган бўлди. Шартнома 1996 йил 6 февралда тузилган эди. Орадан ойлар ўтди, 1997 йил ҳам адоғига етди. Қоғоздан дарак йўқ. «Қоғозчи» ҳам йўқ бўлди. Таҳририят Сирдарё вилояти хўжалик судига мурожаат қилди. Суд даъвони қаноатлантирди. Аммо М.Азимов суд қарорини ҳам бажармасдан, пулни тўламаслик мақсадида яшаш жойини ўзгартириб, қочиб юраверди. Ниҳоят бу иш вилоят прокуратурасига оширилди. Товламачи М.Азимовни топиш вазифаси вилоят прокуратурасининг катта терговчиси Файзулла Ботировга топширилди. Моҳир терговчи тергов органларини ҳам чалғитиб юрган товламачини жуда усталик билан қўлга туширди. Уни кечаси Гулистондаги гумашталаридан бирининг уйида меҳмон бўлиб турганда ушлаб олди. Натижада М.Азимов 1998 йилнинг 10 июнида қамоққа олинди. У «Ширин садоси»га етказилган зарарни тўлади ва жиноятига яраша тегишли жазосини олди.

Гулистон шаҳридаги Улуғобод массиви Темирйўл кўчасида ахлат уюлиб ётган ердан ёмон қўланса ҳид чиқарди. Ахлат олиниб, у ер кавланиб кўрилганда, одам танаси чиқиб қолди. Бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар қилинди. Жабрланувчининг шахси аниқланди. У шу кўчадаги 17-уйда яшовчи Анастасия Ибрагимова бўлиб чиқди. Хўш, қотил ким? Жиноятни очиш билан шуғулланувчи ходимлар орадан кунлар, ойлар ўтса-да, қотилни топишнинг иложини тополмадилар. Ниҳоят вилоят прокуратураси катта терговчи Файзулла Ботировга бу жиноий ишни очиш топширилди. Учрашувлар, савол-жавоблар туфайли марҳум А.Ибрагимованинг уйи ўз қизи Лариса Сячина томонидан бошқа бир кишига сотилганлиги аниқланди.

Ҳеч ерда ишламай юрган Лариса Сячина доимий яшаш учун Россияга кўчиб кетмоқчи бўлади. Бунинг учун эса унда пул йўқ. У онаси Анастасия Ибрагимованинг уйини сотишга, шунинг ҳисобига Россияга бирга кетишга кўндирмоқчи бўлади. Албатта, бунга Анастасия хола кўнмайди. Одамийлик қиёфасини йўқотган Лариса Сячина ўз онасини ўлдириш, шундан сўнг уйни сотиш режасини тузди. У бу машъум режани ўзининг жиноятчи гумашталари, олдин ҳам судланган 1977 йилда туғилган С.Кисилев ва В.Тенлар билан амалга оширади. Ҳар бири 30 минг сўмдан пулга ёлланган икки жиноятчи онани ўз қизи Лариса Сячинанинг кўз ўнгида бўғиб ўлдиришади ва жасадни кўмиб, устига ахлат тўплаб қўядилар. Л.Сячина эса онамни Россияга жўнатдим, деб сохта гап тарқатади ва уйни сотади.

Ниҳоят, жиноятчилар моҳир терговчи Файзулла Ботировнинг ўткир нигоҳидан қочиб қутула олмадилар.

- Бундай мудҳиш воқеаларга жуда кўп дуч келганман, - дейди Файзулла Ботиров. - Аммо ҳар гал айбланувчи ва жабрланувчига дуч келганда очиғи, юрагим эзилади. Ахир, нега одамлар жиноят қиладилар? Ҳар бир ишни, баҳсни яхшилик билан ҳал қилса бўлади-ку! Биров ўз онасини, биров умр йўлдошини, биров инисини ўлдираверса, бунга қандай чидаш мумкин!?

Сайхунобод туманининг чекка қишлоқларидан бирида маънавий жиҳатдан тубан шахс И.Кенжабоев бир қизни зўрлаб, жиноятини бўйнига олмай, қочиб юрарди. Вазият мураккаб эди. Жиноятчи казо-казоларнинг боласи, жияни эди. Хўрланган эса оддий фуқаронинг жигарбанди. Ўзингизга маълум, тубан шахс ҳеч қачон айбини осонликча бўйнига олмайди. Вилоят прокуратураси бу қалтис ишни ҳам тажрибали терговчиси Ф.Ботировга ишониб топширди. У қандай бўлмасин ҳақиқатни юзага чиқариши, жиноятчи ўз қилмишига иқрор бўлиши керак.

Қўнғироқ устига қўнғироқ, гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан. «Бўлган иш бўлибди, ишликда бўлади-да, бир қўллаб юборинг» қабилида. Ана шундай пайтда адолат учун курашаётган кишидан матонат талаб қилинади. Ўзича «катта бой», «қўли узун» амалдорларнинг айтганини қилмаслик, мудом ҳақиқат томон оёқни тираб туриши керак бўлади. Акс ҳолда сенинг ҳақиқат посбони деган номинг неча пулга арзийди? Файзулла бундай ахволга биринчи бор тушиб тургани йўқ. Унинг сочлари ана шу зиддиятлар гирдобида оқарган.

Ниҳоят, жиноятчи жазосини олди. Бу воқеани эшитган ва эшитмаганлар учун терговчининг муносабати, жиноятчи ва жабрланувчининг қисмати дарс бўлсин.

Вилоят прокуратураси жиноят ишларини тергов қилиш бўлими бошлиғи Ислом Умаровнинг фикри:

- Файзулла Ботиров малакаси жиҳатидан республикада кўзга ташланиб турувчи етук

терговчилардан бири. Фаолияти давомида унинг бирорта ҳам иши қайтарилмаган. Унга ҳар қандай масъул ишни ишониб топшириш мумкин. Бунақа терговчилар жуда кам. У бу борада ўзига хос мактаб яратган. Унинг тажрибасидан баҳраманд бўлган ёш ҳуқуқшунослар маҳоратли терговчи бўлиб чиқишлари шубҳасиз.

- Мен шоир Омон Матчоннинг бир шеъридан ушбу қатраларни ўзимга шиор қилиб олганман: «Майли, сен бир ёмон бўл, лек адолат томон бўл!» - дейди Файзулла ака. - Бу шиор менинг ҳуқуқшунос сифатидаги тамойилимга жуда мос келади: «Содир этилган жиноятга жазо муқаррардир».

Файзулла ака нақадар ишга ғарқ бўлмасин, оиласини, болалари тарбиясини эътибордан четда қолдирадиган кишилар сирасидан эмас. У турмуш ўртоғи Зумрад опа билан бирга бир-биридан ақлли ва баркамол уч ўғилни Ватан хизмати учун тайёрламоқда. Катта фарзандлари Комилжон Тошкент Давлат юридик институтида таҳсил олаётир. Ахир, ота касб барибир ота касб. Акбаржон эса акасидан фарқли ўлароқ иқтисодчи касбини танлаб, Гулистон Давлат Университетига кирди. Кенжатой Баҳодир ўрта мактабнинг 10-синфида ўқиётир. Аммо у ҳам бўш келадиганлардан эмас. Отаонасининг, табаррук Бибимайрам бувининг дуоларини олиш учун тиним билмай ўқиш, олдига қўйган мақсадларга эришиш лозимлигини у яхши билади.

Бибимайрам ая 90 ёшга кирибдиямки, ҳали-ҳали ўша куюнчаклигини ташламайди:

- Файзулла, бугун юпун кийинибсанми? Иссиқроқ кийингин болам. Ҳавони кўр, айниб турибди...

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
Маҳмуд БЎРОН,
«Инсон ва қонун»
мухбирлари

КИМ ҲАҚ?

Ҳурматли «Инсон ва қонун»!

Мен 1995 йил Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ц-5, 35-уй, 70-хонадон бекаси, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз аёл - Лида Григорьевна Дунаеванинг илтимосига кўра шу ерга келиб, яшай бошладим. Кейинчалик шу хонадонга прописка қилиндим. Дунаева оғир касал эди. Ҳатто «ўзини эплолмас»ди. Уни ювиб-тараб, овқатлантириб, онамдай парвариш қилдим. Кампир астасекин қувватга кириб, уй ҳовлисида, кейинчалик кўчаларда ҳам сайр қиладиган бўлди. У мендан хурсанд, ўз боласидай меҳр қўйди. Доимо: «Менинг ўғлим ҳам, қизим ҳам сизлар, бошқа ҳеч кимим йўқ, умрим охиригача сизлар билан бўламан, мени ташлаб кетманглар», дер эди. Унинг Москва шаҳрида яшовчи Александр исмли ўғли бор экан. Кампир ундан жуда норози бўлиб, «мени ташлаб кетди, 10 йилдан буён Москвада яшайди, мендан сира хабар олмайди, онабезори бўлди, менинг бундай ўғлим йўқ, унга мен керак эмасман, керак бўлганимда келиб хабар оларди ёки олиб кетарди», деб зор-зор йиғларди. Энди менинг ўғил-қизим сизлар, мендан кейин мана шу уйим, мол-ашёларим сизларники бўлади, бунга бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, дерди. Мен унга: «Уйингизга ўғлингиз ҳақли-ку» деганимда, «Унга мен эмас, уйим керакми? Мен бу уйни унга қолдирмайман», деб 1996 йил ноябр ойида нотариус идораси ходимини чақиртириб, ўз квартирасида, уй-ашёларига эгалик қилиш ҳақида менга васиятнома ёздириб берди.

1996 йил 28 декабрда Дунаева вафот этди. Уни қўшни аёл ёрдамида ўзим ювдим, ўз кийимларим билан кийинтирдим. Москвадан ўғли ҳам етиб келди, дафн маросимига қатнашди, яна қайтиб кетди. Мен Дунаева берган васиятномани олиб, нотариал идорасига мурожаат қилдим. Улар менга: «Олти ойдан кейин келинг, шу вақт ичида уйга меросхўрлик ҳақида ҳеч ким даъво қилмаса, сизга расмийлаштириб берамиз» дейишди. Мен 6 ой кутдим. Кейин яна учрашгандим, «энди уй сизники бўлди» деб, хонадонни менинг номимга қонуний расмийлаштириб беришди. Шу хонадонда яшаган йилларимда иккита фарзандлик бўлдик.

Вақти келиб, Москвадаги ўғли уйга даъво қила бошлади. У судга даъво аризаси беришдан олдин 31-сонли поликлиникадан (она ўлгандан кейин 10 ой ўтгач) 1997 йил октябрда кампирнинг касаллик дафтарчасини олиб, бир қанча вақт қўлида сақлаб, унга сохта ёзувлар киритган ва 1997 йил ноябрда судга даъво аризаси берган.

Судья эса бу сохта касаллик дафтарини экспертизага юборди. Экспертиза қилувчилар бўлса қўшимча ёзувлар киритилган вақтини аниқламасдан, 1996 йилда вафот этган Дунаеванинг соғлиги ҳақида, 1998 йилга келиб, «недееспособный» деган нотўғри хулоса чиқарибди. Юнусобод туман суди судьяси ҳам шу нотўғри хулосага асосланиб, назаримда адолатсиз ҳукм чиқарди. Яъни ғариб, ногирон, бировнинг ёрдамига муҳтож бўлган онага хизмат қилган, уни умрининг охиригача ювиб-тараган, вақтида овқатлантирган кишининг меҳнатини ҳисобга олмай, онасининг қолидан хабар олмай, уни узоқ йиллар ачинарли аҳволда ташлаб кетган онабезори, лекин бадавлат чет эллик кимсанинг фойдасига адолатсиз иш кўрди; васиятнома мерос ҳақидаги асосий ҳужжат бўлгани ҳолда, уни ҳисобга олмади; давлат нотариал идораси, туман БТИ, ЖЭК ходимларининг ҳақиқий аҳвол ҳақидаги гувоҳликлари ҳисобга олинмади; уйга эгалик қилиш учун ҳеч бир асосли ҳужжати бўлмаган кимсанинг манфаатини кўзлаб, унинг фойдасига қарор чиқарди; биз бу хонадон учун 1996 йилдан буён барча тўлов ва бошқа харажатларни тўлаб келдик, бу ҳам инобатга олинмади; ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун бир уйда, бир йўлакда яшаган ён қўшни, уй бошлиқлари, маҳалла фаолларининг - тирик гувоҳларнинг гувоҳликлари ҳам инобатга олинмади.

Бизни хонадондан чиқариш тўғрисида қарор чиқарилди.

Судлар мустақил, фақат қонунга риоя қилиши, адолатни юзага чиқариши, ҳақиқий ҳолатни эътиборга олиши керак бўлгани ҳолда судья Л.Умиров хато қарор қилмадимикан? Сизлардан ёрдам ва маслаҳат сўраб,

Назокат ҲОЖИЕВА

ТАҲРИРИЯТДАН: Муҳтарама Назокат опа! Хатингизни асосий мазмунини ўзгартирмасдан босдик. Чунки сиз битган сатрлар мағзида катта инсонийлик, одамларварлик, адолат битилган. Суднинг қароридан норозилигингиз масаласига келсак, биз уни ноқонуний ёхуд адолатсиз дея олмаймиз. Бундай ваколат бизда йўқ. Бундай хулоса ёхуд қарорни фақат юқори турган суд поғоналари беришга ҳақли. Сизга қонун берган ваколатдан фойдаланишни, норозилигингизни ва талабларингизни уларга ҳавола этишингизни маслаҳат берамиз. Шунингдек, ишни назорат тартибда прокуратура органлари ҳам текшириши, хулосасини билдириши мумкин. Ана шу имкониятларни ишга солинг. Шояд бунда бизнинг саҳифамиз ҳам ёрдам берар. Жамиятимизда фақат қонун ва унинг асосида қабул қилинган қарор адолат мезони ҳисобланади. Сиз билан бирга суд мутасаддиларидан жавоб кутамиз.

Asr vabosi

«ОҚ АЖАЛ» ТАШУВЧИЛАР

Муаллиф ҳақида: *Абдумажид ЁРМАТОВ, 1951 йил Ўш вилояти, Новкат туманида туғилган. 1976 йилда Тошкент Давлат Университети ҳуқуқшунослик факультетини битирган. 1977 йилдан 1985 йилнинг декабр ойигача Андижон вилоят, Жалолқудуқ тумани прокуратурасининг терговчиси бўлиб ишлаган. 1985 йил декабрдан эса Андижон вилоят судининг судьяси. II даражали ҳуқуқшунос.*

Инсонни ҳаёт гултожи деб аташади. У табиатдаги, ер юзидаги мавжудотларнинг энг онглиси, ақллиси. Ана шу ақл билан инсон не-не кашфиётларни амалга оширмаган дейсиз. Аммо орамизда шундай одамлар борки, фойдали иш билан зарарли ишнинг фарқини билмайди. Йўқ, биз адашдик, улар фойда билан зарарни жуда яхши билишади. Фақат ўртада балои нафс деган ўпқон бор. Нафс қўйига кирган одам учун ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқ. Уни на инсоф-диёнат, на миллат шаъни, на одамларнинг соғлиги қизиқтиради.

Гиёҳвандлик моддаларини ташиш ва тарқатиш билан боғлиқ жиноий ишларни кўриш чоғида ана шундай фикрларга, хулосага келасан киши. Бундай нафс ўпқонига гирифтор бўлган кишиларни фақатгина текин бойлик қизиқтиради.

Мана, суд ишларидан олинган мисолларга мурожаат қилайлик. Андижон шаҳрида яшовчи фуқаро Галина Ким ҳеч қаерда ишламайди. У ҳам Қирғизистон Республикаси фуқаролари Нурмуҳаммад Холматов, Баҳодир Расулов ва марҳум Аробиддин Солиевлар билан бирга «оқ ажал» уруғи - гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилиш, кўп миқдорда сотиб-ўтказиш ҳақида олдиндан тил бириктириб, жиноят содир этган.

У шериклари билан Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳридан олиб ўтилган, суд кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра таркибида опий гуруҳига кирувчи алкалоидлар мавжуд бўлган соф оғирлиги 79,84 грамм миқдордаги героин - гиёҳвандлик воситасини андижонлик мижозига сотаётганда «тумшуғидан» илинди. Маълум бўлишича, у мижозига 17600 сўмлик героин моддасини сотмоқчи бўлган.

Тергов ва суриштирувларда экспертиза хулосаларига ва суд давомида ишни синчиклаб, атрофлича ўрганиш натижасида Галина Ким ва ҳамтовоқларининг жинояти тўла ўз исботини топди. Натижада Галина Ким Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 272-моддаси 2-қисми, шунингдек, 59-моддасига асосан 15 йил, Нурмуҳаммад Холматов ва Баҳодир Расуловларнинг ҳар бири 13 йилдан озодликдан маҳрум этилди. Марҳум Аробиддин Солиевнинг героин моддасини Ўшдан Андижонга олиб келишда фойдаланилган АЗЛК-2140 «Москвич» русумли автомашинаси давлат фойдасига мусодара этилди.

Асакалик Зокиржон Султонов, Собиржон Мирзаматов, Олимжон Мамажоновлар ҳам уч-тўрт нафардан болаларнинг отаси. Бир қарашда маҳаллада обрўси бор, инсофли-диёнатли одамларга ўхшашади. Аммо уларнинг ҳам кўзини ёг босиб, пул-бойлик умидида нафснинг қўйига кириб, «оқ ажал»нинг уруғини ташиш ва сотиш билан шуғулланганлар.

Улар шахси номаълум бўлган ўшлик бир аёлдан контрабанда йўли билан олиб ўтилган 2 килограмм 218,7 грамм опий - гиёҳвандлик воситасининг ҳар бир килограммини АҚШ долларида сотмоқчи бўлишади. Улар бу катта «бойлик» операциясини Асака шаҳар Саттор Обидов кўчаси, 35-уй, 20-хонадонда яшовчи Комил Эгамбердиев орқали Коля исмли Россиядан келган мижозга сотмоқчи бўлишади. Уларнинг бу жиноий режаси ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошмай қолади. Кейинчалик улар гиёҳвандлик моддасини бўлиб-бўлиб сотишаётганда қўлга тушди.

1997 йилнинг 18 декабр куни соат 13 лар чамасида Асака шаҳар «Наврўз» кўчасида жойлашган универсал дўкон олдида судланувчи Олимжон Мамажонов велосипедда келиб Собиржон Мирзаматовга 2 килограмм гиёҳвандлик воситасини бериб кетади. У «қоридори»ни харидор - мижозга сотиб 12000 сўм пулни бемалол, қуртдек санаб олаётганда қўлга тушган. Олимжон Мамажоновнинг уйида тинтув ўтказилганда яна 746,7 грамм опий - гиёҳвандлик воситаси топилди.

Суд ҳайъати иш материалларига асосланиб Зокиржон Султонов, Собиржон Мирзаматов, Олимжон Мамажоновларнинг ҳар бирига тайин этилган жазолар турлича бўлгани учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддасига асосан жазоларни қисман қўшиш йўли билан 15 йилдан озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилди. Уларнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулк давлат фойдасига мусодара қилинди.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум этишдек оғир жазо олган бу шахсларнинг тақдирини адашганлар фожиаси деб аташ мумкин. Чунки улар осонгина бел оғритмасдан, пешона тери тўкиб меҳнат қилмасдан бойлик орттиришмоқчи, пул ишлашмоқчи бўлишди. Аммо текин тешиб чиқади, деганлари рост экан.

Абдумажид ЁРМАТОВ

ИТ ЯЛАГАН ОДАМ

Dunyoning ishlari

Франциянинг Жья шаҳарчаси чеккасида айланиб юрган полициячилар мотопатрули аянчли қичқириқ эшитилган тарафга шошдилар. Йўл четидаги дарахтлар тагида бир тўда дайди итлар аллакимни ўртага олиб роса... ялашаётган, ҳидлаб ҳузурдан «ув»лашаётган эди. Итларни ҳайдаб юборишиб, жабрланувчини полиция участкасига келтиришди. Унинг бирор жойи ҳатто тилинмаган эди. Барчани ҳайрон қолдирган бу воқеанинг ечими сал кейинроқ аниқланди.

Франциянинг машҳур фирмаларидан бирида тайёрланган хушбўй одеколонни совғага олган Француа исмли бу йигитча кўлда чўмилиб чиққач, роса «бўкиб» баданига суркаган экан. Аммо одеколон ёрлиғига қарашни ўйламабди ҳам. Унда «Итлар учун» деган ёзув бор экан. Қаранг-а!..

К.ФАЙЗИЕВ тайёрлаган

Har to'g'rida

КЕП ҚОЛИНГ, НИҚОБ УЧУН ПАЙПОҚ, «ТИРЖАЙГАН» ЭТИК КЕЛДИ!

Германиядан Халқаро қизил хоч жамияти орқали Россияга юборилган инсонпарварлик ёрдами ортилган вагонлар Бошқирдистонга эсон-омон етиб келган. Ўз улушини олиш умидида тўпланишган Уфа шаҳар аҳли юклар жойланган контейнерларни очишгандан сўнг... бир зумда тумтарақай қочиб қолишган. «Инсонпарварлик ёрдами» атрофида бир тўда беватан, гадой, «алкаш» ва жулдурвоқилар анчагача ивирсиб юришган. Ялтироқ матолар ўрамлари ва кўзни ўйнатадиган қутилар ичида немис биродарларнинг ўтган асрларда буваси кийган чориқдан тортиб, бувисининг лентаси узилган шляпасигача, ҳатто... қийган чўмичининг дастасию, овчарканинг бўйинбоғидан парчасигача бор эди. Айтишларича, гадойларнинг ҳам латтаси сувга тушиб, қўл силташганича шаҳар четидаги ахлат ташлаш майдончасини афзал билиб жимиб қолишганмиш. Фақат иккитаси қуруқ қайтмаган. Бири «тиржайган» этикни қўлтиқлаб олиб, ёзда кесиб «босаножка» қилиб киймоқчи, иккинчиси немис баронессасининг қора пайпоғини ажратиб олиб, «э, тайёр ниқоб экан-ку!» деб шодон ирғишлаб юборганмиш...

«Труд»дан олинди

Hukm o'qildi

«ҚОРАДОРИ» ЖИЛВАСИ

ёки билмайин тиканни босган аёл фожиаси

Эльвира ошхонадан бўшашиб чиқди. Яна картошка тугабди. Гурунч ҳам бор-йўқнинг ўртасида. Ҳали замон ногирон эри овқат сўрайди. Асли ўзи бу ошхона эмас, жумбоқхона, ғамхона бўлиб қолди, шекилли.

У чиройли кўзларини юмиб, хаёлга чўмди. Нима қилсин? Осмонга учсинми? Ерга кирсинми? Ер қаттиқ. Ўзини сотсинми? Йўқ, бўлмайди. Бундай шармандаликни бўйнига ололмайди. У алам билан йиғлаб юборди.

Шу аснода кўкраги остидаги янги бир юрак типирчилаб, ўзининг борлиғидан дарак бера бошлади. Буёғига ўйланиб ўтириш бефойда, ҳаракат қилиш керак. «Опамнинг олдига бораман. Жигаримку ёрдам берар» - қатъий қарорга келиб, йўлга тушди у.

Опаси уни совуққина қарши олди.

- Ўзим ҳам ночорман, сенга нима ҳам ёрдам қилардим.

Начора. Хафа бўлиш ҳам ўринсиз. Замон шунақа. Хаёлида шундай фикрлар чарх уриб, остонага яқинлашганда опаси Гулнора уни тўхтатди.

- Майли, сен боравер, бир иложини топармиз.

Бу «илож» йигирма ёшли жувон - Эльвиранинг ҳаётини остин-устун қилиб юборишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

...Опаси Гулнора Давронова кечки пайт қуюндай кириб келди. Целлофан халталарда аллақандай суюқликлар бериб, тушунтирди:

- Бу қорадори, харидори кўп. Ҳар бири 0,2 граммдан, 300 сўмга кўтаришади.

Эльвира аввалига қўрқди. Бироқ йўқчилик, етишмовчилик офати ундан-да ҳалокатли туюлди. Оқшом пайти шаҳар айлангани чиқиб, эски таниши Сашани кўриб қолди. Уйида «қорадори» борлиги, мижоз топиш зарурлиги ҳақида илтимос қилди.

Харидор кўп куттирмади. Унинг уйи атрофида «деловой» йигитлар ўралашиб қолишди. Ўша куни биров келиб, уч донасини 900 сўмга олиб кетди. Кейин яна бири тўрт донасига харидор бўлди. Учинчи мижоз Эльвиранинг эндигина бошлаган қилвир ишига тирикчилик баҳона «қорадори» операциясига якун ясади.

«Қорадори»нинг жилвасига учиб, осон пул топаман деб, билмайин тиканни босиб олган Эльвира Давронованинг иши судда кўрилиб, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 27-272-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашни истардикки, бир қўшиқда «Бошингга не бало ёғса, бировданмас ўзингдан кўр», деб куйланади. Дарҳақиқат, шундай. Эльвиранинг ҳам ўзи айбдор. Тўғри у тирикчиликни, ҳаётдаги, турмушдаги қийинчиликни рўкач қилиши мумкин. Аммо тирикчиликнинг давоси - меҳнатку. Миллионлаб кишилар меҳнат, ҳаракат билан бир чиройли турмуш кечираяптилар.

Очиғи, инсон сифатида эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган, мана шу дастлабки қадамини қалтис йўлга ташлаган навжувон аёлнинг шу билмай босган тиканининг заҳрини ўн йил давомида тортишга маҳкум эканлигига ачинасан, киши. Лекин қонун барчага баробар. Қонун билдим-билмадим, деган баҳонани ҳазм қилолмайди.

Инсон ёшми-каттами, эркакми-аёлми, ким бўлишидан ва қандай аҳволга тушганлигидан қатъий назар қадамини ўйлаб босиши, давлат қонунларига хилоф иш тутмаслиги, ҳар қачон ҳам ҳалоллик ва тўғрилик йўлидан бориши керак.

З.РУСТАМОВ,
Андижон вилоят прокурорининг ёрдамчиси

Yong'in - tilsiz yov

БЕТАКАЛЛУФ «МЕҲМОН»ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Эски йилни кузатиб, янги йилни кутиб олдик. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари учун ўтган 1998 йил қандай бўлди? Аҳоли ва унинг мол-мулки ўт балосидан қай даражада муҳофаза қилинган? Давлат, жамоат ташкилотлари мулкининг ёнғиндан асраш чоратадбирлари кўрилганми? Бу борадаги хулосалар қандай?

Бу саволларга ўтган йилнинг 16 ноябридан 16 декабригача ўтказилган ёнғин хавфсизлиги ойлиги натижаларини таҳлил қилиш орқали жавоб топиш мумкин.

Аввало ўтган йилнинг 16 ноябридан 26 ноябригача Хоразм вилоятида 38 жойда ёнғин чиқди. 1997 йилнинг худди шу даврида 80 та ёнғин чиққан эди. Демак, ёнғин ҳодисаси 60 фоизга камайган. Аммо содир бўлган 38 та ёнғин ҳам ҳазилакам гапмас. Унинг оқибатида фуқароларнинг қарийиб 800 минг сўмлик мол-мулки нобуд бўлди. Шундай бўлса-да, тилсиз ёвни жиловлаш соҳасида амалга оширилган ишлар ибратли.

- Ойликнинг дастлабки ўн кунлиги мобайнида жами 32724 марта текширувлар ўтказилди, - дея маълумот берди бизга вилоят ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги Машариф Саидмуродов. - Йирик корхона, хўжалик ва ташкилотлардаги ёнғинга қарши кураш ҳолати 714 марта ўрганиб чиқилди. 228 та текширув натижаси айбдорларга 115 минг сўмлик жарима солиш билан якунланди. Жами 137 та халқ хўжалик объектларида 659 та электр жиҳозлари фойдаланишга яроқсиз, деб топилди. Жойларда 400 га яқин суҳбат, учрашув ва мунозаралар ўтказилди.

Вилоят бош ёнғин нозири баён этган факт ва рақамлар замирида муайян амалий ишлар ва унинг самараси ётибди. Бироқ хотиржамликка ўрин йўқ. Олдинда қиш. Камчиликларнинг олди олинмаса, офатнинг зўри ана шу синов палласида рўй бериши мумкин.

- Кузатувлар жараёнида ана шундай ёнғинга сабаб бўлувчи манзараларга афсуски, озмунча дуч келмадик, - дейди биз билан суҳбатда ёнғинга қарши кураш бўлими бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат майори Ҳамид Ҳамзин. - Қўшкўпир туманидаги Б.Собиров раислик қилаётган Олтибой Қурбонов номли жамоа хўжалигининг барча ҳаётий зарур ва қимматли объектлари: хўжалик фермахонаси, дон омбори, ёнилғи шахобчаси, техника парки ва идорасида тилсиз душман хоҳлаган пайтда осмонга ўралаб, миллион-миллион сўмлик моддий бойликларни ямламай ютиши ҳеч гапмас. Хўжалик раҳбарлари ёнғинга қарши кураш воситаларини бутлаш учун пул йўқлиги баҳона қилишади. Ишқилиб, бу ерда бирон кори-ҳол рўй бермасин, у юз бергудай бўлса, хўжалик «ёшуллилари» баҳона-рўкач ахтаришганидан, ёнғинга қарши ташкилотларнинг такрор-такрор огоҳлантиришганини назарга олишмаганидан афсуснадомат чекишади.

Кузатишлар Питнак шаҳри тасарруфидаги «Ўзбекистон», Янгиариқ туманидаги «Наврўз» жамоа хўжаликлари, «Хива гиламлари» ҳиссадорлик жамияти, Питнак пахта тозалаш заводи, Шорловуқ нефть маҳсулотлари корхонаси, Туямўйин ГЭСи ва бошқа қатор жамоалар, юзларча уй-жойларда ҳам ёнғинлар эҳтимоли аён бўлди. Айрим офатларни олдиндан жиловлаш эса афсуски, на ундан жабр кўрганлар ва на ёнғин муҳофазаси ходимларига насиб этмади. Оқибатда Урганч шаҳар Фарғона кўчасининг Ибодулла Собиров, Ойимхон Худойберганова, Ойимжон Султоновларга қарашли 2-4-6-уйлар, Хазорасп туманидаги «Хазорасп» жамоа хўжалигининг 6-бўлимида жойлашган Хударган Авазов, Гурлан туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 14 бўлимида жойлашган Кўчмон Иброҳимовнинг уй-жойлари, деярли барча мулк-бисоти бутунлай куйиб, кулга айланди. Электр жиҳозларидан фойдаланишнинг оддийгина қоидаларига амал қилинмаганлиги, қозонхона мўрисининг тозаланмаганлиги, телевизорнинг қаровсиз қолдирилганлиги ана шу шафқатсиз ёнғинларга сабабчи бўлди. Энди мазкур оилалар ўнларча аъзоларнинг на бораргa манзили, на турарга жойи бор. Ҳозирча улар элимизнинг меҳр-оқибатли кишилари хонадонидан ўзларига бир нав бошпана тўпишган. Эҳтиётсизликка эътиборсизлик, ўт ёқиш ва иситиш шаҳобчаларининг носозлиги ана шундай бахтсизликларга олиб келди.

Бу фалокатни оёқ остидан чиққан балоказо деёлмаймиз, унинг олдини олиш мумкин эди. Барига асосан жабрланувчиларнинг ўзлари сабабчи. Рўй берган офат эса бошқалар учун ҳам яхшигина сабоқ бўлмоғи керак. Акс ҳолда ёнғин исталган хонадонга, исталган фурсатда бетакаллуф кириб бораверишги, не-не меҳнату машаққатлар билан топилган мол-мулкни домига тортиб, кишилар бошига ғам-кулфат ёғдираверишги турган гап. Шундай экан, огоҳ ва ҳушёр бўлингиз, сўнгги пушаймондан на фойда.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Jinoyat va jazo

ТИЛЛА ТАҚИНЧОҚ ҚУРСИН

Аёл кишининг зийнати бўлган тилла тақинчоқлар бу гал Андижон шаҳар 2-кичик даҳасида яшовчи Мавлуда Умарованинг умрига зомин бўлади, деб ким ўйлабди дейсиз.

1998 йил 30 сентябр куни соат 13[30] ларда Андижон вилояти Олтинкўл тумани «Туркистон» жамоа хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи Катта Фарғона канали бўйидаги супурги экилган майдонда 100 литрлик пластмасса бочка ичидан танаси бўлакларга ажратилган аёл жасади топилди.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу қадар даҳшатли қотилликдан бутун вилоят ларзага келди. Наҳотки, шу қадар шафқатсизлик?! Бунинг устига бочка кислота билан тўлдирилган эди. Ички ишлар, прокуратура органлари оёққа турди.

Олиб борилган тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатлари натижасида жасад оиласиз, ҳеч қаерда ишламайдиган, енгил табиатли аёл, 1973 йилда Булоқбоши тумани, Қулча қишлоғида туғилган Мавлуда Умарова эканлиги аниқланди.

Терговда аниқланишича, Мавлудани ўзига ўхшаган таниши, бирор жойда ишламайдиган, енгил табиатли аёл Гулчеҳра Собирова сотиладиган уйни кўрсатиш баҳонасида уни ўзи яшаб турган Андижон шаҳар, Шимолий кичик даҳадаги уйга таклиф қилади. Улар уйда гаплашиб ўтириб, базми-жамшид қуришади.

Кеч соат 17 ларда Мавлуда кеч бўлганини айтиб, уйдан чиқиб кетаётганда Гулчеҳра ва унинг ҳамтовоқлари, жазмани Омонилло Ҳафизов, яна бир таниши Шавкат Сотволдиевлар унга ташланишди. Унинг ўзида бўлган тилла занжир, қўлидаги «лодка» узуги, беш кўзли никоҳ ва яна бир икки кўзли тилла узук, бир жуфт ойсимон сирғаларини олиш мақсадида айиқдек эркаклар уни бўғиб ўлдиришди. Гулчеҳра эса тилла тақинчоқларни ечиб олди. Улар энди жасадни йўқотиш пайига тушишди. Омонилло шаҳарга чиқиб, кўнчилик билан шуғулланувчи тоғасидан 100 литрлик пластмасса бочка, 2 канистр кислота топиб келди. Шундан кейин уччаласи жасадни бочкага жойлашмоқчи бўлди. Аммо у ҳадеганда бочкага жой бўлмади. Гулчеҳра ханжарсимон пичоқ топиб келди. Шавкат билан Омонилло пичоқ билан Мавлуданинг икки оёғини сон қисмидан кесиб, танасидан ажратиб, Гулчеҳра билан бирга бочкага жойлашди.

Омонилло яна кўчага чиқиб, киракашлик билан шуғулланувчи танишини топиб келди. Улар бочка ва канистрдаги кислоталарни ҳайдовчига билдирмай машинанинг юкхонасига жойлашди. Канал бўйидаги маккапоязорга келишиб, бочкани тушириб, жасаднинг устига кислота қуйиб юборишди. Шундан сўнг тилла тақинчоқларни олиб, Тошкентга равона бўлишди.

Кўрилган тезкор чоратадбирлар, ички ишлар, прокуратура ходимларининг қилни қирқ ёриб, астойдил қилган ҳаракатлари туфайли жиноятчилар узоққа боролмадилар, жиноят изини беркита олмадилар. Улар тезда қўлга олиндилар. Шафқатсизларча содир этилган бу қотиллик - нафс кўйига кирган жиноий гуруҳнинг олдиндан режалаштирган мақсади экан. Қотиллар энди қилмишлари учун одил суд олдида жавоб берадилар.

Бахтиёржон АЗИМОВ,
Андижон вилояти ИИБ матбуот хизмати бошлиғи

Bojxona sarhadlarida

«БИР ПИЁЛА ЧОЙ ИЧИНГ!»

- Раҳмат ака, - деди бир куни Фахриддин ҳамқишлоғини бир четга астагина бошлаб. - Арзимаган товарим бор эди. Шуни бугун вақтингиз бўлса кечқурун хў нариги Пастқўрғонга олиб берсангиз, хурсанд қиламан.

- Э қўйсанг-чи, ука бундай гапларни. Пастқўрғон экану ундан нарига ҳам ўтказиб бераман.

Шундай қилиб иш битди. Энди эсон-омон божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилиб, юкни олиб ўтиб олсалар бўлгани. Келишилган куни Сўхнинг Сариканда қишлоғида истиқомат қилувчи Фахриддин Парпиев Раҳмат Шодиевга тегишли бўлган, давлат белгиси бўлмаган ВАЗ-2101 русумли автомашинада 19 кг. ҳинд чойи, 33 кг. цейлон чойи, 12,5 кг. грузин чойи - хуллас умумий қиймати 30 минг 270 сўмлик чой маҳсулотини Қирғизистоннинг Баткен туманига ҳеч қандай ҳужжатларсиз, айланма йўлдан олиб кетаётганда 17-сонли «Сўх» божхона маскани бошлиғи, божхона хизмати майори Боқижон Абдуманнопов томонидан тўхтатиб қолинди.

Ҳозир ушбу ҳолат бўйича суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЁНҒОҚНИ БОШИМДА ЧАҚИНГ

- Шунга ҳам розиман, - деди кўзлари ёшланиб турган, бошини хам қилиб олганча божхоначининг бераётган саволига дурустгина жавоб беролмаётган Эсонали.

Эшонали Ворисов Бешариқнинг Андархон қишлоғидан. У яқинда ЗИЛ-130 русумли, О 02-70 С давлат белгили автомашинада Қирғизистоннинг Лайлак туманига 22 минг сўмлик қийматга эга бўлган ёнғоқни қопларга жойлаб, божхона органидан яширинча олиб кетаётганда Ўқчидаги 7-сонли божхона маскани ходимлари томонидан ушлаб қолинди.

Ҳуқуқбузарнинг ушбу ҳолати бўйича юритилган ишни Ўзбекистон тумани суди кўриб чиқиб, маҳсулотни давлат фойдасига мусодара қилди. Ҳуқуқбузарга нисбатан эса 2000 сўм миқдорида жарима солинди.

СУМКАДА НИМА БОР?

Қувасой шаҳри ҳудудидаги Полмон қишлоғининг қоқ марказини кесиб ўтган катта йўл Қирғизистоннинг Учқўрғон қишлоғи билан боғлайди. Қишлоқда вилоят божхона бошқармасининг маскани жойлашган. Бу йўл орқали транспорт ва фуқаролар ҳаракати кўплиги қишлоққа кираверишдаги божхона маскани ходимларидан ўта масъулиятни, сезгирликни талаб қилади.

Ўша куни божхона маскани нозири, старшина Қирғизбой Нишоновга Учқўрғон томондан сумка кўтариб келаётган бир йигитнинг юриш-туриши бежо туйилди.

- Ассалому-алайкум, старшина Нишоновман. сумкада нима бор?

- Олма.

- Яна-чи?

Шу пайт кутилмаганда ҳалиги йигит ура солиб қоча бошлади. Қиргизбой тезда уни ушлаб олди-да, масканга олиб кирди.

Марғилонлик Қизил косиб кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, фақат маҳалладаги тўйларда ошпазлик қиладиган А.Ю. бекорга қочиб кетмаган экан. Сумкадан олмагина эмас, балки унга яширинган ҳолда 750 грамм наркотик модда - наша ҳам чиқди.

- Нашани кимга олиб кетаяпсиз?

- Ўзим чекаман.

- Бунчаси кўплик қилмайдими?

- Ортгани тураверади-да.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят божхона бошқармасининг суриштирув бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси билан жиноий иш қўзғатилди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
Фарғона вилояти божхона бошқармаси инспектори, божхона хизмати катта лейтенанти

Qarang-a!

КАМПИРШО СИМ ҚОҚДИ

Курск шаҳри кўчаларида сипо кийинган, хушмуомала йигитчалар гуруҳи пайдо бўлиб, «ижтимоий ҳимоя» деган ёзувли қопларни орқалаганларича уйма-уй кеза бошлашган. Ўзларини қария ва ногиронларга ёрдам кўрсатувчи ташкилот вакиллари деб таништиришган. Ҳатто турли идишларда асал тарқатишни ҳам «ўринлатишган». Бу меҳрибонликдан меҳри товлаб, кўзларига ёш келган қариялар «Айтинг, нима керак, арзон нархда келтириб берамиз» дейишганларида «қаро кун»ларига йиғиб қўйган сармояларини қўш қўллаб топширишаверишган. Йигитларнинг йўллари айланиб, Любовь Михайловна исмли аёлнинг эшигини тақиллатишган. Қария аёл бу «меҳрибон»ларнинг совғаси - асалдан тотиб кўришдан «мулоқот» бошлаган. Қарангки, асал - алламбало суюқлик экан. Йигитлар «вақт борида» қочиб қолишмоқчи бўлишган. Люба момо дарҳол милисяга қўнғироқ қилган. Сўнг калишини қўлтиғига олиб, фирибгарларнинг изидан тушган. Кўча бўйида йигитларни қувлаб етган, бирини ушлаб ерга йиқитган, ёрдамга ташланган иккинчисини ҳам тагига босиб олган, учинчи... қолганларини ғизиллаб етиб келган машинадан тушган милиционерлар қўлга олишган. Айтинг, айтинг, олдимизда Аёллар йили турибди, кошки, Люба кампирдек аёллар кўпайиб, ўғри-муттаҳамларнинг патагига ўт тушса...

Матбуот хабарларидан олинди

Бировлар ўн йиллаб бир жойда ишлаб, ҳурмат-эътибор қозона олмаса, бировлар тўрт-беш ой ичидаёқ барчанинг олқишига сазовор бўлишини Гулистон шаҳар ИИБ ДАН бўлими йўл патрул хизмати нозири бўлиб ишлаётган Зокир Маматқулов мисолида кўриб ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Нега деганда у қисқа иш фаолияти давомида ҳайдовчиларнинг ҳам, ҳамкасбларнинг ҳам назарига тушди. Яна денг, газетада сурати ҳам чиқаяпти. Бунинг боиси нимада? Ўзини билмаган баъзи бировлар таниш-билишчиликка йўйса, ўзини билганлар жуда ҳам тўғри иш қилибди, уни ҳар қанча мақтаса арзийди, дейди.

Суратда: (чапда) йўл-патрул хизмати нозири Зоқир Маматқулов ҳайдовчи Равшан Исоқов билан ҳаракат хавфсизлиги борасида суҳбатлашмоқда.

Qilmish-qidirmish

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Учкўприк тумани Олмурод қишлоғилик Рустам Олимов ўғрининг «тиш қоққан»ларидан бўлиб чиқди. У муқаддам бир неча маротаба судланган бўлишига қарамасдан, «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, яна бир ўғриликка қўл урди. 1998 йилнинг 5 июнида Бешариқ деҳқон бозорига келиб, растада савдо қилаётган аёлнинг бежирим «Лама» пальтоси «пайига тушди». Пайт пойлаб пальтони ўз сумкасига тиқди-ю, жилиб қолди. Воқеани кўшни растадаги аёл кўриб қолди. Нафиса дарҳол милиция ходимларига хабар қилди. Улар ўғрининг изига тушдилар, у дарҳол қўлга олинди. Рустам Олимов Бешариқ туман судининг ҳукми билан ўн йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, у яна «қадрдон» бўлиб қолган гўшаси - қамоқхонага йўлланма олди. «Қилмиш-қидирмиш» деб шуни айтадилар-да. Имонидан ажралган бу кимса яшаш учун инсонга бир марта бериладиган умрининг энг гўзал лаҳзаларини тутқунликда ўтказадиган бўлди.

Дилором ҚУРБОНОВА,
Бешариқ туман суди раиси



Янги йилда Дўстлик туман деҳқон бозори жамоаси бозорни турли-туман ноз-неъматлар билан тўкин қилиш йўлида талабчан харидорлар таклифлари асосида бир қанча тадбирларни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этаяпти.

Бозор янада кенгайтирилган. Ҳозирданоқ ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Эрта-ю кеч бозор маъмуриятининг савдо-сотиқ ишларини назорат қилиб бораяпти. Бунинг натижасида нарх-наво бирмунча арзонлашиб, пул тушуми кўпаймоқда.

Суратда: (ўнгдан) участка вакили Шавкат Дўстмуродов паттачи-назоратчи Азим Саматов, сотувчи Боғзод Кенжаева билан.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат

Notarius faoliyati

ФИРИБГАРДАН ПАНД ЕМАНГ

«Нотариус» деган сўз бугунги кунда халқимиз учун янгилик эмас. Фақат яқин вақтга қадар бу сўзнинг маъносини кўпчилик ҳужжатнинг тўғрилигини тасдиқловчи ёки нусхалаб берувчи мутахассис деб тушунишар эди. Янги замон шарофати билан ушбу соҳанинг қамрови янада кенгайди, одамларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оша бошлади. «Нотариат тўғрисида»ги қонун қабул қилинганига ҳам бир йилдан ошди. Ҳуқуқий давлат барпо этиш, жисмоний ва юридик шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашди ушбу соҳа мутахассисларининг виждонан, одилона фаолият юритишлари ўзига хос аҳамият касб этади, албатта.

Ушбу касб-кор билан умр кечиришнинг не чоғли шараф ва айни вақтда масъулиятли эканлигини фақатгина шу соҳада фаолият кўрсатаётганларгина яхши тушунишади.

Сурхон воҳаси бағрида қарийб бир миллион етти юз минг киши истиқомат қилади. Бу баъзи бир кичик давлатларнинг аҳолисидан ҳам кўп. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тўлақонли саводхон деб бўлмайди.

Баъзан бизнинг ҳузуримизга ёки бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларига қайсидир фирибгардан қаттиқ панд еган фуқаролар келиб қолишади. Уларга астойдил ёрдам бергингиз келади. Қўлдан келганича кўмак ҳам, маслаҳат ҳам берасиз. Аммо келинг, яхшиси ҳаётий мисолларга тўхталайлик. Айни чоғ, серғалва ҳаётда одамларнинг нима кўп, олди-сотдиси!

А.С. исмли бир фуқаро давлат уйида қалбаки пропискада яшовчи Н.Ж. исмли аёлдан ўша уйни арзонроқ баҳода сотиб олади. Н.Ж. гўл харидорни ишонтириш учун ундан уй баҳосида пул қарз олганлиги тўғрисида тилхат ҳам ёзиб беради. Фақат саводи ёмонлиги ва ҳуснихати хунуклигини баҳона қилиб, тилхатни А.С.нинг ўзига ёздирадида, ниҳоясига имзо чекиб қўя қолади. Гўл харидор А.С. «уйлик бўлдим» деб суюниб яшаб юрган кунларнинг бирида унга бу уй ҳокимликка эмас, балки ҳарбий қисмга қарашли эканлиги ва уни уч кун муддат ичида бўшатиб қўйиш ҳақида «огоҳлантириш хати» бериб кетишади. Ҳуллас, фирибгардан панд еган харидор уни судга бермоқчи бўлади. Табиийки, жавобгар томон ҳам ўзини ҳимоялаш чораларини кўради. Адвокат ёллайди. Биринчидан, нотариат идораси тасдиқламаган «тилхат» ҳеч бир юридик асосга эга бўла олмайди. Иккинчидан, гўл харидор уни ўз қўллари билан ёзиб берган. Фирибгар аёлнинг тузоғига тушганлар биргина А.С. эмас, балки у ўзига тегишли бўлмаган ўнлаб уйларни шу тариқа ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмайдиган анойи гўлларга пуллаб, мўмай пулларни ҳамёнига жойлаб қочиб юраверган...

Шу ўринда олди-бердиларни арзимаган харажатдан қочиб, нотариус иштирокисиз амалга оширадиган ва оқибатда пушаймон ейдиган юртдошларимиз сафининг тобора кенгайиб бораётганлигини айтиб ўтмоқ ўринлидир. Ушбу ҳол жойларда амалдаги қонунчиликни ўргатиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдек муҳим ва хайрли ишга то ҳануз панжа орасидан қараётганидан далолат беради. Ҳали кўпгина ўқув муассасаларида ҳуқуқшунослик фанидан ушбу соҳага мутлақо алоқаси бўлмаган кишиларнинг ёшларга дарс ўтишаётгани ҳеч кимга сир эмас. Кўп ҳолларда халқ таълими бўлимлари мудирлари, билим юртлари ва мактабларнинг директорлари «осмон узилиб тушмас» қабилида иш юритишиб, ҳуқуқшунослик дарсларини ошна-оғайнигарчилик қилиб таниш-билишларига топширадилар. Фараз қилинг, соҳадан мутлақо бехабар устоз ва гурунгчи домлага рўбарў келиб қолишганига «шукрона»лар ўқиб турган 20-30 чоғли йигит-қиз. Нақд 45 минутдан ойлаб-йиллаб исроф бўлаётган умр. Ҳақли савол туғилади: ҳақ-ҳуқуқи топталса, суд идораси қолиб женсоветга, прокуратура қолиб, рўзномма муҳарририятига арз қилиб юрадиган замондошларимизнинг тобора кўпайиб бораётганига ўша бепарволик, беписандлик сабаб эмасмикан. Қай куни қабулимизга келган бир фуқаро сотиб олган автомашинасининг собиқ эгаси икки йилдирки, ҳужжатларини бермай сарсон этаётганлигини айтиб, маслаҳат сўради. Бунга машинасини шошилиб «сувтекин»га сотганлигини рўкач қилаётганмиш. Агар яна анча-мунча «устама» тўласа, ҳужжатларини берармиш. Акс ҳолда...

- Маълумотингиз қанақа? - сўрайман маслаҳат сўраб келган фуқародан.

- Олий, - дейди у. Тааж-жуб, у киши ҳам машина «олди-сотди»сини арзимаган харажатдан қочиб нотариус иштирокисиз амалга оширган... Умуман бундай мисолларни хоҳлаганча келтириш мумкин. Аммо ушбу мисоллар ҳамкасбларимизни яхши ишламаяпти, дейишга асос бўлмайди.

Бу борада Термиз шаҳридаги 1, Денов туманидаги 1- ва 2-сонли давлат нотариал идораларининг амалдаги фаолиятлари яхши натижалар бермоқда. Нотариуслар амалга оширган ишларнинг не чоғли қонунийлиги ва сифатлилиги уларнинг судлар томонидан бекор қилинмаганлиги билан баҳоланади. Инчунун, қай бир нотариуснинг амалдаги ҳаракатлари судлар томонидан асосли рад этилса, демак, у келгусида мижозларнинг ишончига сазовор бўла олмайди. Ва унинг бу мўътабар касб-кори билан тирикчилик ўтказишга ҳаққи йўқ. Баъзи ҳолларда нотариуснинг адашишига фуқаролар ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамда бошқа мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилишлари ҳам сабаб бўлади. Мисол учун термизлик фуқаро Абидова номига у яшаётган квартирани бу ерда ҳақиқий рўйхатда турувчи шахслар аниқланмасдан ҳокимлик томонидан хусусийлаштириш тўғрисида қарор чиқарилган. Шу асосда унга давлат ордери ҳам берилган. Оқибатда фуқаро Абидова Термиз шаҳар 2-сонли давлат нотариат идораси орқали ушбу квартирага ҳадя шартномасини ҳам расмийлаштириб олган. Томонлар ўртасида келиб чиққан низо асосида суд фуқаролик ишини кўриб чиқиб, мазкур хонадонни хусусийлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни ноқонуний деб топди. Кўпинча нотариуслар фаолиятида шу каби низолар мерос ишларини расмийлаштириш билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни қайд этишда, турар жойлардан бериладиган маълумотномаларнинг нотўғрилиги билиниб қолганда юзага қалқиб чиқади. Ушбу ҳол жойларда нафақат нотариат идоралари, балки маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғини ва маҳаллий ҳокимликларнинг ҳам меросхўрларнинг ҳуқуқларини ҳурматлашларини тақозо этади. Зеро, сизу бизнинг «арзимаган» дангасалигимиз, лоқайдлигимиз томонларнинг ёқавайрон бўлишларига, оилавий нотинчлигига олиб келиши мумкин. Бу эса инсонпарварликка асосланган, чинакам ҳуқуқий демократик жамият қуришга бел боғлаган давлатимиз ва халқимиз олдида ҳеч бир кечириб бўлмас гуноҳдир.

Эркиной ПАРДАЕВА,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг нотариат ишлари бўйича ўринбосари

Faxriylarimiz

ҲАЛОЛУ ПОКЛИК УЗОҚ УМР ГАРОВИ

дейди андижонлик 85 ёшли ҳуқуқшунос Набижон ота ФАРМОНОВ

Оила - муқаддас даргоҳ. Унда келгуси авлод, миллат насли камол топади. Шунинг учун ҳам халқимиз оилани илоҳий хилқат билиб, унинг тамал тошини ҳалолу поклик билан қўйишни ҳам муқаддас анъана деб билади. Зотан, ҳалол луқма билан боқилган, тарбияланган бола ота-онага содиқ фарзанд бўлади. Ана шундай анъаналарни ҳисобга олиб, йўлбошчимиз ўтган йилни Оила йили деб атаган эдилар.

Оиланинг бахти нимада? Бу саволга Андижон шаҳар, Бўстон даҳасида истиқомат қилувчи 85 ёшли ҳуқуқшунос, бутун умрини адолатни ҳимоя қилишга, қонунчиликни мустаҳкамлашга бахшида этган Набижон ота ФАРМОНОВ шундай жавоб беради.

- Тўғри яшаган, ҳалол ишлаган одам узоқ яшайди.

Бу гапнинг исботи - унинг ўз ҳаёт йўли камтарона яшаш тарзидир. Халқимизнинг илк ҳуқуқшуносларидан бўлган Набижон ота 1936 йили Тошкентда ҳуқуқшунослик институтини битирган. У билан бирга ўқиган биринчи ҳуқуқшунос қалдирғочлар Отабой Эшонов, Хадича Сулаймонова, Раҳимжон Қодиров, Холида Самадовалар республикамизда ҳуқуқшунослик фанини яратган дарғалар бўлиб етишдилар. Бошқа қадрдон курсдош дўстлар ҳам биринчи ҳуқуқшунослар сифатида республикамизнинг турли шаҳар ва туманларида амалий иш билан шуғулланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида сабот билан ишладилар.

Набижон ота ҳам ўшандан буён Хоразм, Фарғона, Қашқадарё, олис Сурхондарёнинг Бойсун тумани прокуратура ва суд тизими идораларида терговчи, судья бўлиб ишлади. У қаерда ишламасин, ҳар қандай ишни фақат адолат кўзи билан ҳал қилишга интилди. Шу боисдан ҳам ўзидан яхши из қолдирди.

1939 йили у Фарғона вилояти прокуратурасида ишлади. Шундан сўнг, асли Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилиб ўсган Набижон ота ва унинг оиласи тақдири Фарғона водийси билан боғланди. У узоқ йиллар давомида Андижон вилоятининг Избоскан, Жалолқудуқ туманларида суд раиси, вилоят судида судья вазифаларида ишлаб келди. Кейинчалик эса 25 йил давомида Олтинкўл туманида суднинг бош ижрочиси бўлиб ишлади.

У ўзининг узоқ йиллик суд тизимида олиб борган иш фаолиятида қонун устуворлиги ва ҳар бир ишни адолатли ҳал қилишга интилиб яшади. Тўғрилик, ҳалоллик билан турмуш кечирди.

Унинг ҳам ишлаган вақтларида данғиллама иморат қилишга имконияти бўлган эди. Аммо у эл қатори камтарона иморатларда яшашни афзал билди. Ҳар қандай ҳоюҳашамлардан холи уйжойларида бугун 85 ёшини нишонлаётган Набижон ота ва унинг умр йўлдоши Ойшахон аялар фарзандлари, неваралари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда. 41 невара, 12 чевара улар атрофида парвона. Уларнинг умрлари бундан-да зиёда бўлсин.

Уларнинг камтарона ҳовлисида бутун оила аъзолари тўпланса тўйхонани эслатади. Бу оилада ҳалоллик билан бирга аҳиллик ҳукмрон. Ўғиллару келинлар, қизлару куёвлар - ҳаммалари аҳиллик билан яна янги оилаларнинг чироғини ёқишиб, бахтини топишган. Улар ҳам бир умр оталарининг ҳалоллик ва тўғрилик йўлидан юринглар, деб белгилаб берган, чизган чизиқларидан юриб, ҳаётда адашганлари йўқ. Ҳар бирларининг оиласи ўзича бахтли, ўзича саодатини топган.

Янги йил арафасида отахоннинг ҳузурида бўлиб, уни янги йил билан қутлаб, узоқ умр кўришининг сабабини сўрадик. У яна юқоридаги гапини таъкидлади:

- Тўғрилик ва ҳалоллик узоқ умр гарови. Бунга қўшимча ичмаслик ва чекмаслик. Бунинг устига кўпроқ пиёда сайр қилиш - умрингизга умр қўшаверади, - дейди отахон кулиб.

Умрингиз бундан-да зиёда бўлсин, янги аср билан юзлашиб, юз ёшдан ошиб юринг, Набижон ота!

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Shunday oila bor

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ»...

...бизнинг уйда бўлмайди, агар куёвлардан озгина фикр қочмаса, - дейди кулиб оила бошлиғи Гадоймурод ака Норқулов.

- Мана, ўзингиз кўриб, кузатиб, ишонч ҳосил қилинг, шу ҳовлида кўп эмас, оз эмас - 40 киши истиқомат қиламиз. Отам Қўзибой чавандоз ҳалол, покиза яшаб, бир умр улоқ чопиб, от миниб яшаган. 96 ёшида қазо қилди. Оиламизда ака-укаларни, ота-болаларни ажралмай биргаликда узоқ яшаши бизга ўша чавондоз отамиздан мерос. Эсимни танигандан бери отам укаси Йўлдош бобо оиласи билан 70 ёшгача бир ҳовлида яшаган. Мана, биз ҳам отамиз анъанасини давом эттириб, энамиз 90 ёшли Иззат момо Худоёр қизининг изми-ихтиёри ва бошчилигида топган-тутганимизни ўртага қўйиб, тенг баҳам кўриб яшаяпмиз. Менинг 9 фарзандим, укам Холмирзанинг 8 фарзанди бор. Ўғилларим Авлоёр полвон ва Бердиёр полвонларнинг 4-5 тадан фарзанди бор. Холмирза ҳам ўғилларини уйлантирган.

- Ростдан ҳам қирқ киши бир қозондан овқатланасизларми?

- Ҳа, ҳар куни қозонимиз қайнаб туради. Кўпинча суюқ овқатни хуш кўрамиз.

- Овқатланиш бўйича ҳар кимнинг таъби ҳар хил-ку?

- Бизда эркакларнинг таъби биринчи ўринда туради. Қозонимизда асосан семиз ва боқилган қўй гўшти қайнаса ҳаммамизга манзур бўлади. Якшанба кунлари катта қозонимизга 4-5 кг. қўй гўшти қайнамаса, энамнинг кўнгли сира тўлмайди. Ҳафтада бир марта қўй гўшти емаганнинг илиги ва мияси тўлмайди, - дейдилар.

- Уй-жой муаммоси қандай ҳал этилган?

- Отам раҳматли буни олдиндан ҳисобга олган шекилли, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган пайтда бир гектар майдонни эгаллаб қўйганакан, ҳаммамизга етиб-ортиб турибди.

- Оилангизда эркакларнинг касби-кори қанақа?

- Бизда ҳосилот, деҳқонлар кўпчилик, яна ҳуқуқшунос, ветеринар, спорт мураббийсигача бор. Оиламиз даромадларини ҳуқуқшунос ўғлимиз Бердиёр Норқулов назорат қилади. 2 та чопағон от, 1 та байтал, 9 та сигир, 20-30 та қўй-эчкимиз бор. Авлоёр полвон деҳқон-фермер, ердан яхшигина даромад олади.

- Келин танлашда асосан нимага эътибор берилади?

- Ота-онасини яхшилаб суриштириб, агар улар ҳалол-покиза инсонлар бўлса, қизини келинликка олаверамиз.

- Ота-она ўртасида асосан қайси қоида ҳукмрон?

- Ҳеч ким болалар ўртасига тушмасин.

- Уларга исмни ким танлайди?

- Асосан мен.

- Кийим-бошлар қандай танланади?

- Болаларга ва аёлларга ёшига ва хоҳишига қараб тенг қийматда ва бирданига ҳаммага етарли қилиб кийим-бош танланади.

- Оилада энг ширин суҳбат мавзуси?

- От ва кўпкари хусусида.

- Болаларнинг севимли ўйини?

- Толхивичдан от қилиб, кўпкари чопганини бир кўрсангиз!..

- Оилада энг ҳурсандчилик дамлар?

- Отимиз ва чавандозимиз Авлоёр полвон кўпкаридан соврин олиб қайтган кун...

- «Оила суди»ни ким бошқаради?

- Энам «оила суди»нинг раиси. У қандай ҳукм қилса, амри вожиб. Энам томонидан ҳали бирор марта ҳам адолатсиз ҳукм бўлмаган.

- Гадоймурод ака, сиз Чироқчи туманидаги йирик «Пахтакор» жамоа хўжалиги бошқарувининг раисисиз. Хўжаликнинг қанчадан-қанча ташвишу муаммолари елкангизда. Боз устига шундай катта оилани бошқариш оғирлик қилмайдими?

- Оилангдан кўнглинг тўқ бўлса, бошқа ҳар қандай оғирликни елканг сезмайди. Ҳасан Кайфий айтганидай: «Ақл ва меҳнат саломат бўлса бас!»

Қадим манбаларнинг гувоҳлик беришича «аёл» сўзининг асл луғавий маъноси замирида «аҳил» сўзи мужассам экан.

«Аёллар йили»да Гадоймурод аканинг бу муаззам оиласига фақат аҳиллик ва бардамлик тилаймиз.

Ғози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

Ахир, эртага Ҳайит...

КЕЛГУСИ СОНДА:

Ҳушёр бўлинг!

ёхуд Термиз темир йўлидаги баҳтсиз ҳодисалар

МАНСАБ ОТИГА ТЕСКАРИ МИНГАНЛАР

ерни талон-тарож қилиш жиноят

БИЗ — ТАБИАТ ФАРЗАНДИМИЗ!

Уни асрамоқ ҳар бир иймонли инсоннинг бурчидир

КЎРҚСАЛАРИНГ-ҚЎРҚДИЛАРИНГ...

Самарқанд вилоятида узоқ йиллар суд ва адлия органларида Аркадий Семенович (Абрам Симхаевич) фаолият кўрсатган эди. Аркадий Семёнович кўп йиллар шаҳар, туман ва вилоят судларида масъул вазифаларда ишлади. Нафақага чиққанидан сўнг оиласи билан Америкага кўчиб кетди.

Қуйида Аркадий Семёнович билан бўлган ҳангомалардан мисоллар келтирмоқчиман.

Судья судланувчига охирги сўз берибди.

- Жаноб судья! Мен нима ҳам дердим. Жаноб прокурор 15 йил сўраяпти, майли бераверинг, жаноб адвокат 10 йил сўраяпти, бераверинг. Мен камбағалга ҳеч нарса керак эмас, раҳмат...

* * *

Полиция бошлиғи қўл остидаги ходимларига ўшқирибди:

- Топшириқни уддалай олмадиларинг, аҳмоқлар, эшшаклар!

Ҳаммаси жим тураверибди.

- Сенлардан сўраяпман, аҳмоқлар, эшшаклар, нега жимсизлар?

- Ахир, каттамиз - Сиз! - дермиш ходимлар шунда.

* * *

Уйида ўғрилик содир бўлган одамникига етиб келган миршаб сўрабди:

- Гражданин Абрам, уйингизда нималар йўқолган?

- Ўғриларга инсоф деган нарса қолмабди, ако миршаб! Улар бир камбағал кимсани тилло самаваригача ўмариб кетишибди-я!

* * *

Судда ҳимоячи даъвогардан сўрабди:

- Айтинг-чи, Абрам, суд бошида ваҳима билан даъвоингизни қўллаган эдингиз? Нега энди сустлашиб қолдингиз?

- Ако! Биз бир ваҳима қилами-из, қўрқсанглар-қўрқдиларинг, агар қўрқмасанглар ўзимиз қўрқиб кетаверами-из.

Қ.НУРМАТОВ,
Қашқадарё вилояти судининг раиси

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 1999 йил 12 январ 2-сонида чоп этилган «Адлия вазири «Фидокорлар»га гувоҳнома топширди» сарлавҳали хабарнинг учинчи устун, 15-16-қаторидаги «Низомини» сўзидан кейин «рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳномани» жумласи қўшиб ўқилсин.

БИР БОҒ БЕДА

(Ҳикоя)

Қамоқхона камерасида Карим исмли 60 ёшдан ўтган мўйсафид туну кун тинмай Худога нола қилади: «Эй қодир эгам, гуноҳкор бандангни гуноҳларини мағфират қилгил...». Эллик саккиз ёшида қўлини қонга ботирган чолнинг ноласини уч йилдан бери қамоқхона деворлари жимгина ютади...

* * *

«Парвардигорнинг карами кенг, ер юзидаги ҳамма нозу неъматлар, жамики яхши нарсалар менинг карамимни бажарадиган суйган бандаларимники, менга шак келтирувчи, шайтон йўлига киргувчи кофирлар мендан эмас, бундайларнинг охират жойлари дўзахдир».

Ушбу Қуръон калималарини маҳалла имоми Абдувоҳид сўфи номозхонларга ҳар куни неча бор такрорлар эди. Сўфини жини суймайдиган Карим тоға бир-икки қўполлик қилиб кўнглига қаттиқ теккан эди. Ҳозир иложи бўлса оёқларининг остига йиқилиб, кечирим сўрашга, пурҳикмат сўзларини такрор-такрор тинглашга тайёр эди-ю... Уч йилдан бери ҳар куни эшитадиган сўзлари: «пахан», «прогулка» - болахонадор сўкинишлар... Ҳар куни эрталабки «сайл»ни Карим «пахан» интизорлик билан кутади. Маҳбуслар камералардан бирин-кетин чиқиб, соқчиларнинг буйруғига итоат қилиб, тоза ҳаводан симириш имконига эга бўладилар.

Маҳбусларнинг аксари 18-25 ёшларда, турфа хил ёш-яланглар. Танишлар ҳасратлашади, қайси бири одим ўлдиргани, қайси бири босқинчилигини, қайси бири зўравонлигини, майда-чуйда тафсилотларигача сўзлайдилар.

Карим «пахан»ни 15 йиллик қамоқ муддати қолган. Ўн беш йил... айтишга осон. Қолган умрим етармикан ёки ўлигим шу ерларда қолиб кетармикан, йилдан-йилга кучкувватдан қолаяпман. Манавилар ўн-ўн беш йил ётса ҳам 30-40 ёшда ёруғликка чиқади. Менинг шартим кетиб, партим қолган. «Эй, Худо, болаларимнинг олдида, ўз уйимда ол жонимни!» Чол ҳар кунгидай ана шу хаёллар оғушида эди. Соқчининг «вақт тамом» деган буйруғидан ҳушига келади...

* * *

Карим «пахан» камерасида тағин уйи, қишлоғи, болачақасини қўмсайди. Ёнғоқзор, бодомзорлар... Уларга боғланган, уларни ташлаб кетолмас, баъзан шаккоклиги тутганда «мен билан бандининг нима фарқи бор», деб ношукурлик қиларди... Еру осмонча фарқи борлигини энди билаяпти. Нима бўлгандаям эрки ўз қўлида эди. Бундан ортиқ бахт йўқлигини қамоқхонада ётгандагина англаб етди.

Ўрмон хўжалик бошлиғи Эрназар Хўжаев бир томондан мард эди. Карим бодом билан ёнғоқни керагича топшириб, қолганини хоҳлаганча териб сотар, дарахтзордаги ем-хашак ҳам ёнига қолаверар эди. Ўғли Олимжонга рўзгордан орттириб, «Жигули» олиб берди. Карим бошлиғига шунчалик ихлоси баланд эдики, ўғилларидан бирини Эрназар деб атади.

Бошлиқ шарафига уюштирилган зиёфатда Карим тоға атайлаб ўғлини чақириб келди. Хўжайинга рўпара қилиб, «мана, сизга ҳавас қилиб отини Эрназар қўйгандим, капкатта йигит бўлиб қолди», деб танитди. «Бир дуо қилиб қўйинг, сиздақа бўлиб юрсин!» Каклик кабобларни, кийик гўштидан «димлама»ни коньяк билан ҳазм қилаётган Хўжаев «Қани адаш, бу ёққа кел», деб тўрга чорлади. «Қани, оғзингни оч, мени бобом 104 ёшда ўлганлар. Мен туғилганимда этикларига солиб оғзимга тупирган эканлар, шуни шарофати кам бўлганим йўқ, сенам кам бўлмайсан», деди.

Эрназар отасига жовдиради. Пойгакда хўжайиннинг ҳар бир сўзини доно нақлдек эшитиб ўтирган қоровул, «оч оғзингни» деб буюрди...

Эрназар дастурхондан тура солиб, шийпон ортига ўтдию, ўхчиб қусди. Кечгача учтўрт қусиб, кўнгли айниб юрди. Уч-тўрт кун томоғидан ҳеч нарса ўтмай, фақат сув ичиб юрди. Эрназар ана шу азоблари эвазига отасига тағин обрў олиб берди. Энди Карим тоға уч баробар катта, салкам 60 гектар бодомзор ва ёнғоқзорларга қарар, қўлида 30-40 та одам ишлар эди.

Эрназар Хўжаев ҳам Карим тоғани хуш кўрар, тез-тез бодомзорга келиб дам олиб кетар эди. Ана шундай келишларининг бирида бир уюм бодомларни саралаб ўтирган ҳашарчи қизларга рўбарў келди.

- Ҳорманглар, яшанглар! - деди қизлар назарида улуғвор бир саловат билан. - Қани, сен қизим бир пиёла сув бер-чи!

Қизлар ичида латофати билан ажралиб турган Асалхон дув қизарди-ю, бир пастда чиннида сув тутди. У ютоқиб сув ичаётган бу одамни уйларига меҳмон бўлиб борганда бир-икки кўрганди. Ёши 60 га бориб қолган бўлса-да, қомати йигитларникидек тик, қарашлари ўткир, садафдек тишлари икки четида биттадан тилла тиши ярқ этиб кўзга ташланарди.

Ерга қараб ийманиб турган, юзлари тиниқ, беғубор, шаҳло кўзлик қиз Хўжаевнинг ақлу ҳушини ўғирлади. Сув эмас, шароб ичгандай боши айланиб, кўзлари тинди.

- Кимнинг қизисан, нечанчида ўқийсан? - деди чиннини қайтараётиб.

Ҳамиша одамлар диққат марказида бўлишга одатланган, катта-кичик йиғинларда қоғозга қарамай ваъз айта оладиган одам нақот, битта гўдак қиз қаршисида шунчалар довдираса?

- Яшавор, ўзимизнинг Каримни қизиман де, баллибалли, она қизим, - у қизни орқа тўла сочларидан силаб, юзларидан ўпди. - Даданга Эрназар тоғам келди деб айт, икки-уч кундан кейин меҳмон бўлиб келаркан дегин...

Ўпичдан Асалхоннинг бети лов-лов ёнди. Эрназар тоғасининг қора «Волга»си ортидан серрайиб қараб қолди.

* * *

Ўша кундан бошлаб Эрназар Хўжаев Асалхонларга қарашли бодомзорга серқатнов бўлиб қолди. Ана шу келишлардан биридаги қуюқ зиёфатда Карим тоғага ёрилди.

- Мени дўстимсан, сирдошимсан, мен билан ишлаб ёмон бўлмадинг, сенга яна илинганларим бор. Келишиб олсак бўлгани.

Ҳар бир сўзни жон қулоғи билан эшитаётган Карим тоғанинг юраги орзиқди.

- Қосимга қарашли 20 гектар бодомзорни, Набини 10 гектар ўриксзорини сенга ўтказсак, - давом этди атрофга аланглаб олиб, - индамасам иккаласи ҳам беш панжасини оғзига солволаяпти, етар бас, девор йиқилса ҳам ичига йиқилсин! Сан ўзимизникисан. Охирги сафар «тепага» борганимда иккита енгил машина ундирдим. Биттаси «Волга»! Бегона бўлмасин, ўзинг олақол!

Хўжайиндан бунчалик ҳимматни кутмаган Карим тоға шу топда қўлини ўпиб, юзига суртишдан тоймасди.

- Раҳмат! Бир умр қулингизман! Мендан қайтмаса Худодан қайтсин!

- Қўй-е, Карим! - Хўжаевнинг жаҳли чиқди. - Қулингизман эмиш-а! Қуллик замоними ҳозир! Ўртоғимсан, жигаримсан мени! Менга мол-дунёни кераги йўқ. Худога шукур, икки болани уйлаб-жойладим. Участка қуриб бериб, машинага ўтқазиб қўйдим. Сен болажонсан, бошингда иш кўп, нима бўлса сенга бўлсин дейман!

Карим тоға миннатдорлигини қандай изҳор қилишни билмай қўл қовуштириб, унинг оғзига тикилди. Хўжаев пиёладаги чойни ҳўплаб тик боқди.

- Сендан яширадиган сирим йўқ, Карим! Болаларинг кўп. Биттасини - Асалхонни менга берсанг. Қолган умримни унга бағишласам. Бари мол-мулкимни унга қолдирсам...

Нима деяпти бу? Карим тоға хўжайиннинг гапига тушунмади. Фарзандликка сўраяптими? Нега бўлмаса мол-мулкимни, умримни бағишласам, дейди... Наҳотки, олтмишга борган одам менинг қизимни хотинликка сўраётган бўлса?!

- Гапим ёқмадими? Агар ёқмаса ўзинг биласан, - Хўжаевнинг пўписаси Карим тоғанинг хаёлини бўлди. Унинг вужуди нафратдан титради.

- Қизим ҳали ўн олтига ҳам киргани йўқ, хўжайин, - деди ўзини босиб. - Умрини хазон қилиб? Одамлар, эл-юрт нима дейди? Шуларни ўйладизми?

Эрназар Хўжаевнинг ранги оқариб тутоқди.

- Одамлар билан неча пуллик ишинг бор? Бирон-таси бир сўм бериб қўйдими сенга ё?! Сени ким одам қилди? Ким сенга машиналар олиб берди? Мен, мен! Сени одам қилган мен! Энди мендан битта яполоғингни аядингми? - Хўжаев борган сари авжига минар, ҳар битта сўзи билан Карим тоғани ерга кирғизарди. - Ўпкангни бос, агар истасам сени гадо қиламан, дунёга келганингга минг пушаймон бўласан...

(Давоми кейинги сонда)

Эрдавлат ОДИЛОВ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Салима ҚИЛИЧЕВА
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-048. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: С.ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Ж. ТОҒАЕВ
терувчи: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.